



IMĀM BUKHĀRĪ'S VIEWS ON THE "SATISFACTORY" NARRATORS (BASED ON THE WORK "AT-TĀRĪKH AL-KABĪR")

No'monjon Nasibjonovich Toraev

numonjon.turaev@mail.ru

International Islamic Academy of Uzbekistan
senior teacher of the Islamic studies and Islamic
civilization ICESCO department of studies, PhD
97-470-04-03.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526557>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 07th June 2024

Online: 08th June 2024

KEYWORDS

Al-Tārīkh al-kabīr, Imām Bukhārī, "satisfactory" narrators, jarḥ wa ta'dīl, sabt, science of ḥadīth, Ibn Abū Ḥātim, Ibn Ṣalāḥ, Nawawī.

ABSTRACT

The article provides information about Imām Bukhārī's views on the "satisfactory" narrators mentioned in al-Tārīkh al-kabīr.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ "САБОТЛИ" РОВИЙЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ("АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР" АСАРИ АСОСИДА)

Нўмонжон Насибжонович Тўраев

numonjon.turaev@mail.ru

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломшунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси катта ўқитувчиси, PhD
97-470-04-03.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11526557>

ARTICLE INFO

Received: 04th June 2024

Accepted: 07th June 2024

Online: 08th June 2024

KEYWORDS

Ат-Тарих ал-кабир, Имом Бухорий, "саботли" ровийлар, жарҳ ва таъдил, сабт, ҳадис илми, Ибн Абу Ҳотим, Ибн Салоҳ, Нававий.

ABSTRACT

Мақолада Имом Бухорийнинг "ат-Тарих ал-Кабир" асарида зикр қилинган "саботли" ровийлар тўғрисидаги қарашлари ҳақида маълумотлар баён қилинган.

"ат-Тарих ал-кабир" Имом Бухорийнинг ўзида ҳадис илмларининг аксариятини қамраб олган ҳамда узоқ йиллик меҳнат натижаси сифатида дунёга келган муҳим асари



ҳисобланади. Ушбу асарда ровийлар тўғрисидаги қисқача биографик маълумотлар билан биргаликда, уларнинг “жарҳ ва таъдил” (ровийлар айб-нуқсон ҳамда шахсий ижобий сифатлари) илми уламолари наздидаги даражалари ҳақидаги қайдлар ҳам берилган. “Сабт” (собит, саботли, қатъий) атамаси ровийнинг таъдилига, яъни уларнинг адолати¹ ҳамда хотираси каби шахсий сифатлари мадҳига тааллуқли иборалардан ҳисобланиб, ушбу мақолада унинг ишлатилиш ўринлари ва Имом Бухорий наздидаги даражаси ҳамда муаллиф қарашларининг бошқа муҳаддислар томонидан қабул қилиниши таҳлилий ўрганилади. Шу билан бирга, асарда ушбу атама билан мадҳ этилган ровийларнинг ривоятлари Имом Бухорий ҳамда бошқа машхур муҳаддисларнинг тўпламларида келтирилганлиги масаласи ҳам ўрганилади. Ушбу икки жиҳат Имом Бухорийнинг ўзига хос методини билиш, шунингдек унинг бошқа муҳаддислар томонидан эътироф этилишини аниқлашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

“Сабт” (собит, саботли, қатъий) атамаси асарда “сабт” шаклида нафар, “асбату мин” (дан кўра сабтлироқ) шаклида 3 нафар, “асбату” шаклида эса 4 нафар ровийга, жами 10 нафар ровийларга нисбатан ишлатилган.

“Сабт” сўзи араб тилида кишининг қалби, тили ва сўзи бирлигига нисбатан ишлатилади. Ушбу иборага берилган таърифлар орасида муҳаддис Саховийнинг таърифи энг мукаммали ҳисобланиб, у “Фатҳ ал-муғис”да “сабт”ни қалб, тил, китоба (ёзув) ва ҳужжатнинг ўзаро мувофиқлигига нисбатан ишлатилишини, “сабат” сўзи эса, ровийнинг ривоят эшитаётганда у билан бирга бўлган кишилар исмларини ҳам айтиб, ўзининг тўғри айтаётганини далиллашини билдиришини таъкидлайди². Ушбу атама Ибн Абу Ҳотим, Ибн Салоҳ ҳамда Нававийлар наздида “таъдил”нинг 1-даражаси ҳисобланса, Заҳабий ва Ироқийлар уни иккинчи даражага қўйишади. Ибн Ҳажар ва Суютийлар “сабт”ни учинчи, Саховий ва Синдийлар эса тўртинчи даражадаги “таъдил” иборалари қаторига қўйишган³.

“ат-Тарих ал-кабир”да 10 нафар ровий “сабт” атамаси билан таърифланган бўлиб⁴, улардан 1 нафари тўғрисида муаллифнинг ўзи “сабт” ҳукмини берган бўлиб, қолган 9 нафар ровийларнинг 6 нафари тўғрисида Яҳё ибн Саид Қаттоннинг, 2 нафари тўғрисида Абдурахмон ибн Маҳдийнинг, 1 нафари тўғрисида эса Суфённинг қарашларини қўллаб қувватлаган. Муҳаммад ибн Муалло тўғрисида муаллифнинг ўз ҳукмини берганига сабаб у билан учрашиб, ундан тўғридан-тўғри ривоят қабул қилганлигидир. Қолган ўринларда эса, асосан Яҳё Қаттоннинг қарашларига суянган.

“ат-Тарих ал-кабир”да Муҳаммад ибн Муалло ибн Абдулкарим тўғрисида “сабт” ибораси ишлатилиб, унинг Муҳаммад ибн Исҳоқдан қилган ривояти ҳам келтирилган.

¹ Ровийнинг адолати унинг мусулмонлиги, вояга етгани, ақлли экани, тақводор ва мурувватли бўлиши билан белгиланади. Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунуҳ. – Ж:2. – Дамашқ; Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 453-454.

² Қаранг: Саховий, Муҳаммад ибн Абдурраҳмон. Фатҳ ал-муғис бишарҳ алфия ал-ҳадис лил-Ироқий. – Ж: 2. – Миср: Мактаба ас-сунна, 2003. – Б. 115.

³ Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунуҳ. – Ж:1. – Дамашқ; Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 575-576.

⁴ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 1. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 244.; – Ж. 3. – Б. 148; – Ж. 6. – Б. 213; – Ж. 1. – Б. 430, 431; – Ж. 4. – Б. 135; – Ж. 4. – Б. 74; – Ж. 7. – Б. 183, 346; – Ж. 8. – Б. 13.



Ибн Абу Ҳотим ҳам Муҳаммад ибн Муалло тўғрисида тўхталиб, Абу Ҳотим Розий у ҳақда “садуқ”, “ла баъса биҳи” деган бўлса, Абу Зуръа Розий “садуқ фил-ҳадис” ҳукмини берганини ривоят қилади⁵. Ибн Ҳиббон эса, Муҳаммад ибн Муаллони “сиқа” ровийлар қаторида зикр этган⁶. Маълум бўладикки, ушбу ровий тўғрисида аксар муҳаддислар “таъдил” ҳукмларини беришган. Ҳадис тўпламларида унинг бир нечта ривоятлари келтирилган бўлса-да, “ат-Тарих ал-кабир”да келтирилган ҳадис⁷ бошқа тўпламларда аниқланмади. Бунинг сабаби Имом Бухорий қайд этганидек, исноддаги Муҳаммад ибн Исҳоқ Муҳаммад ибн Мункадирдан ҳадис эшитмагани тўғрисида баъзи муҳаддисларнинг қарашлари бўлиши мумкин. Имом Термизий Муҳаммаднинг Зиёд ибн Хафсамадан, унинг Абу Довуддан, унинг Абдуллоҳ ибн Сахбарадан, унинг Сахбарадан, унинг Набий (с.а.в.)дан илм ўрганишнинг фазилати тўғрисидаги ҳадисини келтириб, унинг исноди заиф эканини таъкидлайди. Имом Термизийга кўра, исноддаги Абу Довуд ҳадисда заиф ҳисобланади⁸. Ушбу ривоят Абу Довуд ҳамда Доримийлар томонидан ҳам “Сунан”ларга киритилганини кўриш мумкин⁹.

Асарда Ашъас ибн Саввор Киндий ҳақда Абдурахмон ибн Маҳдийнинг “Ашъас асбату мин Мужолид” (Ашъас Мужолиддан кўра сабттироқ) дегани келтирилган. Бундан келиб чиқиб, Ашъаснинг ўзи заиф ровий бўлишига қарамасдан, Мужолид исмли ровийдан кўра “сабтли” ҳисобланган, дейиш мумкин. Ушбу ровий тўғрисида муҳаддислар томонидан бир-бирига зид бўлган ҳукмлар мавжуд бўлиб, уларнинг биринчисида Ашъас “заиф” ровий деб баҳоланган бўлса, иккинчисида унинг ривоятлари қабул қилиниши таъкидланади. Жумладан, Ибн Ҳиббоннинг уни “ал-Мажруҳин”га киритиб, у ҳақда “фаҳиш ал-хато” ва “касир ал-вахм” деган “жарҳ” атамаларини ишлатган. Шунингдек, Яҳё ибн Маин ва Абдурахмонлар ундан ҳадис ривоят қилишмагани ҳамда Яҳё ибн Маиннинг у ҳақда “заиф ал-ҳадис” ҳукмини бергани тўғрисидаги ривоятлар ҳам мавжуд бўлиб, бу Ашъас тўғрисида юқорида келтирилган биринчи гуруҳ муҳаддислар қарашларини қувватлайди¹⁰. Аммо, Ибн Адийнинг Ашъас тўғрисида Яҳё ибн Маиндан келтирилган иккита ривояти ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг бирида Ашъас “заиф” деб баҳоланган бўлса, бошқасида “сиқа” деб мадҳ этилган¹¹. Абу Жаъфар Таҳовий “Шарҳ Мушкил ал-осор”да Ашъаснинг ривоятини келтириб, уни шарҳлаш баробарида, ушбу ҳадисни Ашъас сабабли инкор қилувчи кишиларга қарата “Албатта, Ашъас “матрук ал-ҳадис” эмас. Ўз замонида муҳаддислар у ҳақда ихтилоф

⁵ Қаранг: Ибн Абу Ҳотим, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. – Ж: 8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1953. – Б. 101-102.

⁶ Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Ас-Сиқот. – Ж: 9. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф ал-Усманийя, 1973. – Б. 43.

⁷ Қаранг: Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 1. – Б. 244.

⁸ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. – Ж: 5. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 29.

⁹ Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. Сунан Абу Довуд. – Ж: 1. – Байрут: Дор ар-рисола ал-олабийя, 2009. – Б. 463. Доримий, Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Фазл Доримий Тамимий Самарқандий. Муснад ал-Имом ад-Доримий. – Ж: 1. – Нашр жойи кўрсатилмаган, 2015. – Б. 214.

¹⁰ Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Китоб ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 1. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1992. – Б. 171.

¹¹ Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. Ал-Комил фи зуафо ар-рижол. – Ж: 2. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Б. 40.



қилишмаган. Ҳаттоки, ундан Шувба ва Саврийлар ривоят қилишган. Улардан Абу Исҳоқ Сабиъий каби юқори табақадаги ровийлар ҳадис ривоят қилишган”ини айтади. Шу билан бирга, “ат-Тарих ал-кабир”да келтирилган ҳукми ҳам келтириб, ушбу ҳукм ровийнинг катта рутба соҳиби эканига далолат қилишини таъкидлайди¹². Имом Бухорий, Муслимлар Ашъаснинг ривоятларини ўз тўпламларида келтиришмаган бўлсада, Термизий, Ибн Можжа¹³лар уларга “ҳасан”, “саҳиҳ” баҳоларини беришган. Насоий эса, унинг 2 та ривоятини келтириб, улардан бирини шарҳлаб “Ашъас ибн Саввор заифдир” деган¹⁴. Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг “Саҳиҳ”ларида Ашъаснинг ривояти келтирилмагани сабаби у ҳақда мавжуд бўлган баъзи “жарҳ”лар бўлиши мумкин. Шундай бўлсада, Имом Термизий ва Ибн Можжаларнинг унинг ривоятларига “ҳасан”, “саҳиҳ” баҳоларини беришгани, “асбату мин” ибораси ровийнинг ривоятлари қабул қилиниши учун етарли асос бўлиши мумкинлигини англатади.

Имом Бухорий Мисъар ибн Кидом ибн Заҳир ҳақда тўхталиб, Яҳё Қаттоннинг “Мисъарга ўхшаганини кўрмадим. У кишилар орасида энг сабтлиларидан эди” деганини келтириб ўтган¹⁵. Ибн Ҳиббон эса, уни ишончли ровийлардан ҳисоблаб, “ас-Сиқот”да зикр қилади¹⁶. Муҳаддислар орасида Миззий Мисъар тўғрисида батафсил тўхталиб, Муҳаммад ибн Бишрдан унинг мингта ёки ундан камроқ ривояти борлиги, аммо улардан 10 тасинигина ёзиб олганини ривоят қилади. Шунингдек, Яҳё ибн Маин ва Аҳмад ибн Ҳанбалларнинг у ҳақда “сиқа” ҳукмини беришгани, Суфён ибн Уяйна эса, “ростгўйлик маъданларидан” деб айтгани ҳам зикр этган. Миззийнинг ривоят қилишича, Саврий ва бошқалар бирор масалада ихтилоф қилишса, Мисъардан ёрдам сўрашар эди. Шувба эса, уни “Мусҳаф”га қиёслар эди¹⁷. “Жарҳ ва таъдил”га оид бошқа манбаларда Али ибн Мадинийнинг у ҳақда “сиқа”, “саҳиҳ ал-ҳадис”, “мутасаббит” баҳоларини бергани зикр қилинади¹⁸. Маълум бўладики, аксарият муҳаддислар Мисъар тўғрисида “таъдил” атамаларини ишлатишган. Ҳадис тўпламларида унинг бир нечта ривоятлари келтирилган. Имом Бухорий Мисъардан ҳадис ривоят қилмаган бўлса-да, Имом Муслим “ас-Саҳиҳ”да унинг бир нечта ривоятларини келтириб ўтган. Жумладан, “Шафоат”

¹² Қаранг: Абу Жаъфар Таҳовий. Шарҳ Мушкил ал-осор. – Ж: 6. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1494. – Б. 155.

¹³ Қаранг: Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. – Ж:3. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 257, 341, – Ж: 4. – Б. 701.; – Ж:5. – Б. 212. Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. – Ж: 1. – Ҳалаб: Дор ихё ал-кутуб ал-ъарабийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 96.

¹⁴ Насоий, Аҳмад ибн Шуайб ибн Али Хуросоний Насоий. Ас-Сунан ас-суғро. – Ж: 8. – Ҳалаб: Мактаба ал-матбуот ал-исломийя, 1986. – Б. 69, 89.

¹⁵ Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 8. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 13.

¹⁶ Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Китоб ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 7. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1992. – Б. 507.

¹⁷ Миззий, Юсуф ибн Абдураҳмон ибн Юсуф. Таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол. – Ж: 27. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1980. – Б. 461-467.

¹⁸ Қаранг: Саййид Абу Муотий Нурий ва бошқ. Ал-Жомеъ фи ал-жарҳ ва ат-таъдил (ли ақвол ал-Бухорий ва Муслим ва ал-Ижлий ва Аби Зуръа ар-Розий ва Аби Довуд ва Яъқуб ал-Фасавий ва Аби Ҳотим ар-Розий ва ат-Тирмизий ва Аби Зуръа ад-Димашқий ва ан-Насоий ва ал-Баззор ва ад-Дорақутний). – Ж: 3. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1992. – Б. 120-124.



тўғрисидаги ҳадиснинг ривоят занжирларидан бирида унинг Қатодадан ривоят қилганини кўриш мумкин¹⁹.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Имом Бухорий “сабт” атамасини ҳадиси қабул қилиниб, ишончли тўпламларга киритилиши мумкин бўлган ровийларга нисбатан ишлатган. Баъзи ровийларга нисбатан бир ёки бир нечта муҳаддислар томонидан билдирилган “жарҳ” ҳукмлари мавжуд бўлганда, уларнинг ривоятлари “Саҳиҳайн”га киритилмаган. “Асбату мин” шаклида ишлатилганда ровийнинг “сабт” соҳиби ва ишончли кишилардан эканини англатмасдан, ровийнинг бошқа ровийга нисбатан афзал эканини кўрсатади.

References:

1. Ровийнинг адолати унинг мусулмонлиги, вояга етгани, ақлли экани, тақводор ва мурувватли бўлиши билан белгиланади. Қаранг: Саййид Абдулмажид ал-Ғоврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунуҳ. – Ж:2. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 453-454.
2. Саховий, Муҳаммад ибн Абдурраҳмон. Фатҳ ал-муғис бишарҳ алфия ал-ҳадис лил-Ироқий. – Ж: 2. – Миср: Мактаба ас-сунна, 2003. – Б. 115.
3. Саййид Абдулмажид ал-Ғаврий. Мавсуъа улум ал-ҳадис ва фунунуҳ. – Ж:1. – Дамашқ: Дор Ибн Касир, 2007. – Б. 575-576.
4. Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 1. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 244.; – Ж. 3. – Б. 148; – Ж. 6. – Б. 213; – Ж. 1. – Б. 430, 431; – Ж. 4. – Б. 135; – Ж. 4. – Б. 74; – Ж. 7. – Б. 183, 346; – Ж. 8. – Б. 13.
5. Ибн Абу Ҳотим, Абдураҳмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. – Ж: 8. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1953. – Б. 101-102.
6. Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Ас-Сиқот. – Ж: 9. – Ҳайдаробод: Доират ал-маориф ал-Усмонийя, 1973. – Б. 43.
7. Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 1. – Б. 244.
8. Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. – Ж: 5. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 29.
9. Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. Сунан Абу Довуд. – Ж: 1. – Байрут: Дор ар-рисола ал-олабийя, 2009. – Б. 463. Доримий, Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон ибн Фазл Доримий Тамимий Самарқандий. Муснад ал-Имом ад-Доримий. – Ж: 1. – Нашр жойи кўрсатилмаган, 2015. – Б. 214.
10. Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Китоб ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 1. – Байрут: Дор ал-маърифа, 1992. – Б. 171.
11. Ибн Адий, Абу Аҳмад Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Журжоний. Ал-Комил фи зуафо ар-рижол. – Ж: 2. – Байрут: Дор ал-фикр, 1984. – Б. 40.
12. Абу Жаъфар Таҳовий. Шарҳ Мушкил ал-осор. – Ж: 6. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1494. – Б. 155.

¹⁹ Қаранг: Муслим Ибн Ҳажжож Абулҳасан Қушайрий Найсобурий. Саҳиҳ. – Ж: 1. – Байрут: Дор ат-турос ал-арабий. – Б. 190, 207, 220, 245, 258 ва бошқа ўринларда.



13. Қаранг: Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. – Ж:3. – Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Б. 257, 341, – Ж: 4. – Б. 701.; – Ж:5. – Б. 212. Ибн Можжа, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунани Ибн Можжа. – Ж: 1. – Ҳалаб: Дор ихё ал-кутуб ал-ъарабийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 96.
14. Насоий, Аҳмад ибн Шуайб ибн Али Хуросоний Насоий. Ас-Сунан ас-суғро. – Ж: 8. – Ҳалаб: Мактаба ал-матбуот ал-исломийя, 1986. – Б. 69, 89.
15. Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил. Ат-Тарих ал-кабир. – Ж: 8. – Ҳайдаробод: Доира ал-маориф ал-усмонийя, нашр йили кўрсатилмаган. – Б. 13.
16. Қаранг: Ибн Ҳиббон, Абу Ҳотим Муҳаммад ибн Аҳмад Бустий. Китоб ал-мажруҳин мин ал-муҳаддисин ва аз-зуафо ва ал-матрукин. – Ж: 7. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1992. – Б. 507.
17. Миззий, Юсуф ибн Абдураҳмон ибн Юсуф. Таҳзиб ал-камол фи асмо ар-рижол. – Ж: 27. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1980. – Б. 461-467.
18. Қаранг: Саййид Абу Муотий Нурий ва бошқ. Ал-Жомеъ фи ал-жарҳ ва ат-таъдил (ли ақвол ал-Бухорий ва Муслим ва ал-Ижлий ва Аби Зуръа ар-Розий ва Аби Довуд ва Яъқуб ал-Фасавий ва Аби Ҳотим ар-Розий ва ат-Тирмизий ва Аби Зуръа ад-Димашқий ва ан-Насоий ва ал-Баззор ва ад-Дорақутний). – Ж: 3. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1992. – Б. 120-124.
19. Муслим Ибн Ҳажжож Абулҳасан Қушайрий Найсобурий. Саҳиҳ. – Ж: 1. – Байрут: Дор ат-турос ал-арабий. – Б. 190, 207, 220, 245, 258 ва бошқа ўринларда.